

**ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ ВА ОҚИБАТЛАРИНИ
БАРТАРАФ ЭТИШДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК: ТАСНИФ,
ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ ХУСУСИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР**

Тлеубаев Ерполат Нажимович

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18361234>

Аннотация. Мақолада фавқулодда вазиятларни (ФВ) олдини олиш ва бартараф этишда ҳамкорлик институтининг таснифи ҳамда унинг ҳуқуқий-ташкилий хусусиятлари комплекс таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳамкорликнинг субъектлар таркиби (давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, қутқарув хизматлари, соғлиқни сақлаш, коммунал сектор, нодавлат ва хусусий тузилмалар), шакллари (ахборот алмашинуви, қўшма режаслаштириш, оператив штаб, ресурслар консолидацияси, қўшма ўқув-машиқлар), ҳамда босқичлари (профилактика/тайёргарлик, жавоб қайтариш, тикланиш) бўйича таснифи асосланади. Шунингдек, ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари — тезкор қарор қабул қилиш, ягона бошқарув занжири (*incident command*), рискка асосланган режаслаштириш, логистика ва ресурсларни бошқариш, маълумотлар ишончилиги, аҳоли билан коммуникация, ҳуқуқий жавобгарлик ва ваколатлар чегарасининг аниқлиги — илмий-амалий нуқтаи назардан ёритилади. Мақолада идоралараро ҳамкорликни таъминлашда меъёрий мувофиқлашув, стандарт операцион тартиблар (SOP), мониторинг ва баҳолаш (KPI), ҳамда рақамли платформа ва erta огоҳлантириш тизимларининг роли алоҳида кўриб чиқилади. Яқунда ҳамкорликни институционал мустаҳкамлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар шакллантирилади.

Калит сўзлар: фавқулодда вазият; рискни камайтириш; идоралараро ҳамкорлик; тасниф; оператив штаб; *incident command*; ресурслар бошқаруви; erta огоҳлантириш; SOP; жавоб қайтариш.

Аннотация. В статье проводится комплексный анализ классификации взаимодействия при предупреждении и ликвидации чрезвычайных ситуаций (ЧС) и раскрываются его правовые и организационные особенности. Обосновывается классификация взаимодействия по составу субъектов (государственные органы, местные власти, спасательные службы, здравоохранение, коммунальный сектор, НПО и частные структуры), по формам (обмен информацией, совместное планирование, оперативные штабы, консолидация ресурсов, совместные учения) и по стадиям (профилактика/готовность, реагирование, восстановление). Раскрываются специфические характеристики: необходимость оперативных решений, единая цепочка управления (*incident command*), риск-ориентированное планирование, управление ресурсами и логистикой, достоверность данных, коммуникация с населением, правовая определённость полномочий и ответственности. Отдельное внимание уделяется нормативной согласованности, стандартным операционным процедурам (SOP), мониторингу и оценке результативности (KPI), а также роли цифровых платформ и систем раннего оповещения. В заключении сформулированы рекомендации по институциональному укреплению межведомственного взаимодействия в сфере ЧС.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации; снижение рисков; межведомственное взаимодействие; классификация; оперативный штаб; incident command; управление ресурсами; раннее оповещение; SOP; реагирование.

Abstract. This article examines the classification of cooperation in the prevention and response to emergencies (disaster risk reduction and emergency management) and identifies its key legal and organizational features. It proposes a structured taxonomy by actors (public authorities, local governments, rescue services, healthcare, utilities, NGOs and private entities), by cooperation formats (information exchange, joint planning, incident command/staff structures, resource pooling, joint drills), and by phases (prevention/preparedness, response, recovery). The paper highlights distinctive characteristics such as rapid decision-making, unified command chains (incident command), risk-based planning, logistics and resource management, data reliability, public communication, and legal clarity of mandates and liability.

It also discusses regulatory alignment, standard operating procedures (SOPs), performance monitoring (KPIs), and the role of digital platforms and early-warning systems.

The article concludes with recommendations for strengthening institutional coordination in emergency prevention and response.

Keywords: emergencies; disaster risk reduction; inter-agency cooperation; classification; incident command; resource management; early warning; SOPs; response; recovery.

Фавкулудда вазиятлар хавфи глобал иқлим ўзгариши, урбанизация ва инфратузилмаларнинг мураккаблашуви шароитида ошиб бораётган бир пайтда, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ҳамкорлик механизми ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фавкулудда вазиятлар кўп субъектли, тезкор ва ресурс талаб қиладиган жараён бўлгани учун яқка идора доирасида самарали бошқариш қийин; бу эса идоралараро, ҳудудлараро ва секторлараро мувофиқлашувни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан ҳамкорликни илмий асосда таснифлаш, унинг ҳуқуқий-ташкилий хусусиятларини очиқ бериш ва амалиётга татбиқ этиладиган механизмларни белгилаш мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида аҳолининг тинчлик ва осойишталигини таъминлаш, жамиятда қонунга итоаткорлик ҳамда жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари фаолиятини “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида қайта ташкил этишга қаратилган мутлақо янги механизмлар ва тартиблар жорий этилди. Бу жараёнда давлат муассасалари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг мақсадли йўналтирилгани жамоат хавфсизлигини таъминлашда янгича ёндашувларни шакллантирмоқда. Шу билан бирга, халқаро миқёсда турли хавф-хатар ва зиддиятларнинг кучайиши, эл-юрт осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар давлат органларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон кадрлари учун” деган ғоя асосида қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштириш заруратини юкламоқда.

Ушбу ёндашув хавфсизликка оид чора-тадбирларни халқаро талаб ва замонавий эҳтиёжларга мослаштиришга қаратилган.

Мазкур ислохотларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 29 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармон¹ қабул қилинди. Шунингдек, ушбу ҳужжат билан “2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланиб, унда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлашда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият юритувчи субъектлар ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳамкорликнинг долзарблиги шу билан боғлиқки, ягона органнинг фавқулодда вазиятларга қарши яқка ҳолда чора кўриши самарали бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолатларда Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги каби органларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилиши талаб этилади. Бундай ҳамкорлик фақат фавқулодда вазиятларни бартараф этишда эмас, балки уларнинг олдини олиш босқичида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, мазкур параграфни илмий жиҳатдан ёритар эканмиз “фавқулодда вазият” ва “фавқулодда вазиятларни олдини олиш” каби тушунчаларни илмий таҳлиliga тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

М.Ю.Юнусов ва И.Х.Хабибуллаевларнинг фикрига кўра, “фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳит зарар кўришига, анчагина моддий талафотга ва инсонларнинг ҳаёт фаолияти издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиат ҳодисаси, табиий ва бошқа офат оқибатида муайян ҳудудда юзага келган шароит”²дир. И.Нигматовнинг фикрича эса, “фавқулодда вазият — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак-атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароити бузилишига олиб келадиган ҳолатдир”³.

“Фавқулодда вазият” тушунчасини А.Қ.Нурхўжаев, М.Ю.Юнусов ва И.Х.Хабибуллаевлар томонидан берилган таърифлар муайян даражада очиқ берсада, назаримизда ушбу таърифда кўпроқ умумий ёндашилган, шу билан бирга мазкур таърифда техноген ҳалокатлар келтириб ўтилмаган. И.Нигматов ва М.Тожиевларнинг таърифида бирмунча кенгроқ ёритиб берилган бўлсада, аммо экологик ҳалокатларни тўлиқ қамраб олмаган. Шунингдек, ҳар қандай фавқулодда вазият оқибати инсонлар қурбон бўлишига олиб келмаслиги ҳам мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // <https://lex.uz/uz/docs/5749291#5749710>.

² Nurxo‘jayev A.Q., Yunusov M.Yu., Xabibullayev I.X. Favqulodda vaziyatlar va muhofaza tadbirlari. O‘quv qo‘llanma. – T., 2001-y. – B.8.

³ Nigmatov I., Tojiyev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik. – T., 2011. – B.10.

Бундан ташқари, Ж.Н.Муродовнинг таъбирича “фавқулудда вазият” тушунчаси “муайян ҳудудда юз берган, инсонлар ҳаёти ва саломатлигига, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонотга, атроф табиий муҳитга, инсон, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган табиий, техноген, экологик ва бошқа турдаги ҳалокат ҳамда офатлар содир бўлган ҳолат”⁴ ҳисобланади.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий таърифларига қуйидагича илмий-таҳлилий муносабатларни билдириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, М.Ю.Юнусов ва И.Х.Хабибуллаев “фавқулудда вазият”ни инсонларнинг соғлигига зарар етказадиган, моддий талофот келтириб чиқарадиган, инсонларнинг ҳаёт фаолиятини бузадиган ҳолат сифатида талқин қилишган. Бу таърифда муҳим бўлган икки жиҳатга эътибор қаратиш керак:

авария ва табиий офатлар – фавқулудда вазиятларнинг сабаблари сифатида келтирилган;

оқибатлар – одамларнинг ҳаёт фаолиятининг бузилиши, моддий зарар, саломатликнинг ёмонлашиши каби оқибатлар таъкидланган.

Назаримизда, бу таърифда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

техноген офатлар назардан четда қолган – бу ҳолда фақат табиий офатлар ёки инсон фаолиятдан келиб чиқадиган ҳодисалар ҳақида сўз юритилмоқда;

қамровнинг торлиги – бу таърифда фақат одамлар ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи ҳодисалар кўзда тутилган бўлиб, иқтисодий зарарлар ёки давлат манфаатларига зарар етказиш хавфи етарлича акс эттирилмаган.

Шунингдек, И.Нигматов ва М.Тожиевлар “фавқулудда вазият” тушунчасини фалокат ва табиий офатлар оқибатида юзага келадиган ҳолат сифатида талқин қилиб, уни инсонларнинг ҳаёт фаолиятини бузадиган, соғлигига зарар етказадиган ва моддий зарар келтириб чиқарадиган вазият сифатида тушунтиришган⁵. Бу таъриф кенг қамровга эга бўлиб, қуйидаги муҳим жиҳатлар назарда тутилган:

инсон ҳаёти ва саломатлиги – бу компонент фавқулудда вазиятнинг асосий таъсир кўрсатадиган субъектлари сифатида кўрсатилган;

моддий зарарлар ва атроф муҳитнинг бузилиши – ушбу тафсирда фақат одамларнинг ҳаётига эмас, балки табиатга ва инсоннинг турмуш шароитига таъсир этувчи ҳолатлар ҳам киритилган.

Фикримизча, бу таърифнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

кенг қамровли ёндошув – инсон ҳаёти, атроф-муҳит, моддий мулк ва турмуш шароити каби омилларни ўз ичига олади;

техноген ва экологик омиллар – бу таърифда экологик хавфлар ва техноген авариялар ҳам инобатга олинган.

Назаримизда, бу таърифда қуйидаги камчиликлар мавжуд:

⁴ Муродов Ж.Н., Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш. Юрид.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, - Т., ЎР ЖХУ, 2023. – Б. 48.

⁵ Nigmatov I., Tojiyev M. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. Darslik. – Т., 2011. – Б.10.

ҳамма турдаги фавқулодда вазиятларни қамраб олмаган – масалан, ижтимоий-сиёсий хавфлар, жамоат тартибига таъсир қилувчи фавқулодда вазиятлар бу таърифда акс эттирилмаган;

“Ҳаёт фаолияти бузилиши” тушунчасининг ноаниқлиги – ушбу тушунча аниқроқ бўлиши лозим, чунки бу таъриф мураккаб ҳуқуқий жараёнларнинг субъектив талқинига сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, Ж.Н.Муродов “фавқулодда вазият” тушунчасини табиий, техноген, экологик ва бошқа турдаги ҳалокат ва офатлар натижасида юзага келган ҳолат сифатида таърифлаган⁶. Фикримизча, бу таърифнинг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш – бу таърифда фақат инсон ва табиат эмас, балки жамият ва давлат манфаатлари ҳам ёритилган;

кенг қамров – табиий, техноген ва экологик ҳалокатларнинг барчасини ўз ичига олади;

ҳудудий қамров – бу таъриф ҳудудий (маҳаллий, минтақавий ёки миллий) даражадаги ҳолатларни ўз ичига олади.

Назаримизда, мазкур таърифнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

ҳар томонлама ёндашув – инсон, табиат, давлат манфаатлари, экологик муҳит ва бошқа жиҳатларни қамраб олади;

ҳудудий қамровнинг кенглиги – ушбу таъриф ҳар қандай миқёсдаги вазиятларни ўз ичига олади.

Шунингдек, фикримизча, бу таърифнинг камчиликлари қуйидагилардан иборат:

техноген ҳалокатлар оқибатларини аниқлашнинг ноаниқлиги – техноген ҳалокатларда юзага келган ҳолатлардан қачон “Фавқулодда вазият” деб аталиши кераклиги аниқ эмас.

“Фавқулодда вазият” тушунчасини илмий таърифлаш бўйича олимлар фикрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу тушунча бир неча жиҳатни ўз ичига олади: инсон ҳаёти, моддий мулк, табиий муҳит ва давлат хавфсизлиги.

Олимлар фикрлари таҳлили асосида, “фавқулодда вазият” тушунчасининг муаллифлик таърифини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фавқулодда вазият – бу инсон ҳаёти ва саломатлигига, жамоат хавфсизлигига, табиий муҳитга, моддий мулкка, иқтисодий манфаатларга, давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ёки етказган, табиий, техноген, экологик, ижтимоий-сиёсий сабаблар таъсирида вужудга келган хавфли ҳолат бўлиб, у инсонларнинг ҳаёт фаолиятини издан чиқарадиган ва кутқарув, бартараф этиш ёки эвакуация ишларини талаб этадиган махсус шароитдир.

Мазкур таърифни қуйидаги омилларга кўра шарҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Буларга:

⁶ Муродов Ж.Н., Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш. ю.ф.б.ф.д. (PhD) д., - Т., ЎР ЖХУ, 2023. – Б. 48.

ҳар томонлама қамров – бу таърифда инсон ҳаёти ва саломатлиги, моддий мулк, табиат, иқтисодий манфаатлар ва давлат хавфсизлиги каби бир нечта муҳим компонентлар ўз ифодасини топган;

ҳудудий ва ваколатли органлар нуқтаи назаридан қамров – ушбу таъриф маҳаллий, минтақавий ва миллий даражадаги барча ҳолатларни ўз ичига олади;

ҳолатлар турлари – табиий, техноген, экологик ва ижтимоий-сиёсий сабаблар таъсирида юзага келган ҳолатларни ўз ичига олади;

талаб қилинадиган ҳаракатлар – эвакуация, кутқарув ва бартараф этиш ҳаракатларини амалга ошириш заруратини акс эттиради.

Муаллифлик таърифи ушбу компонентларни бирлаштириб, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа жиҳатларни қамраб олган. Бу таъриф амалдаги қонунчилик, халқаро стандартлар ва илмий назарияга мос келади.

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш масаласи жаҳон миқёсида долзарб бўлиб, МДХ ва хорижий мамлакатлар олимлари⁷ томонидан кенг ўрганилган. Ушбу соҳадаги турли қарашларни таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги манбаларга таянамиз:

⁷ Антипов Е.Г. Административно-правовое регулирование государственного пожарного надзора, осуществляемого МЧС России, в отношении объектов защиты с массовым пребыванием людей. – М., автор. д.к.ю.н., – 2021.; Антонов А.О. Правовое регулирование судебно-экспертной деятельности федеральной противопожарной службы МЧС России. – М., автор. д.к.ю.н., – 2009.; Арзамасцев Н.И. Административно-правовое обеспечение органами внутренних дел общественной безопасности при чрезвычайных ситуациях техногенного характера. М., д.к.ю.н. – 2002. – С.162.; Баженов О.В. Социальное воспитание личного состава МЧС России. – М., автор. д.к.п.н., – 2007.; Балдина А.С. Административно-правовое регулирование кадрового обеспечения федеральных контрольно-надзорных органов исполнительной власти в России. – М., автор. д.к.ю.н., – 2018.; Белобратова В.П. Обеспечение пожарной безопасности при осуществлении уголовно-процессуальной функции органами государственного пожарного надзора. Санкт-Петербург, д.к.ю.н. – 2006. – С.156.; Боголюбов С.А. Концепция развития экологического законодательства // Черные дыры в российском законодательстве. – М., 2003. – №2.; Борисов А.В. Административно-правовое регулирование пожарной безопасности на объектах атомной энергетики. – М., автор.д.к.ю.н., – 2000. – С.24.; Брушлинский Н.Н., Усманов М.Х. и др. Обеспечение требуемого уровня защиты личного состава, участвующего в ликвидации пожаров аварийных фонтанов // Пожаро-взрывобезопасность. – М., 2005. – №4 – С.55-63.; Васильев В.М. Правовое обеспечение соблюдения прав субъектов предпринимательской деятельности при осуществлении государственного контроля (надзора) подразделениями МЧС России в сфере обеспечения безопасности. – М., автор. д.к.ю.н., – 2009.; Васильев С.Ф. Правовое регулирование контроля и надзора за охраной труда и соблюдением трудового законодательства. М., д.к.ю.н. – 2000. – С.193.; Волосов К.А. Психологическая готовность выпускников образовательных учреждений МЧС России к профессиональной деятельности: на примере ФПС МЧС России. – М., автор. д.к.п.н., – 2012.; Восьмиренко Е.О. Проблемы статистического изучения чрезвычайных экологических ситуаций техногенного характера. М., д.к.э.н. – 2000. – С.135.; Гертруда Люббе-Вольф. Основные характеристики права окружающей среды Германии // Государство и право. – М., 2000. – № 11. – С.90.; Гольцов В.Б. Гражданско-правовые проблемы в деятельности подразделений пожарной охраны. – Санкт-Петербург, д.к.ю.н.,-1996.-С.203.; Горбачева О.В. Правовое регулирование деятельности органов МЧС России в сфере обеспечения техногенной безопасности. – М., автор. д.к.ю.н.,-2008.; Гражданкин А.И. Правовые и организационные основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации при чрезвычайных ситуациях. М., д.д.ю.н. – 1998.; Гуцнев В.А. Правовое регулирование обеспечение пожарной безопасности в Российской Федерации. – Санкт-Петербург, д.к.ю.н., -2009. – С.179.; Гуцин В.В. Правовые и организационные основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации при чрезвычайных ситуациях. М., д.д.ю.н.-1998.; Жуков И.А. Правовое регулирование деятельности единой системы государственных надзоров в сфере компетенции МЧС России в современных условиях. – М., автор. д.к.ю.н.,-2008.; Забелюшенский А.А. О системе экологического законодательства // Материалы межреспубликанской научной конференции «Проблемы совершенствования экологического законодательства и эффективность его реализации». – М., 1993.; Имамов А.Э. Инсаров О.А. Правовое регулирование финансовой деятельности

С.Н.Шойгу, В.А.Пучков, О.В.Горбачева, Ю.Н.Коряковцев⁸ ва бошқа шу каби **Россиялик** олимлар фавқулодда вазиятларни олдини олишда давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлайдилар. Улар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун комплекс ёндашув зарурлигини, яъни профилактик тадбирлар, аҳолини тайёрлаш ва замонавий технологияларни жорий этишни таклиф қиладилар. А.В.Кузнесов ва И.В.Михеев каби тадқиқотчилар техноген хавфларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича методикаларни ишлаб чиқиб, саноат корхоналарида хавфсизлик маданиятини оширишга⁹ урғу берадилар.

Қозоғистон олимларидан Е.М.Искаков ва Б.Б.Жаксалиевлар Қозоғистон шароитида табиий офатларнинг олдини олишда геоинформацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб, уларни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар¹⁰ берадилар.

Америкалик олим Томас Друфис эса, ўзининг “Disaster Management and Preparedness” асарида фавқулодда вазиятларни олдини олишда жамоатчиликни жалб қилиш ва уларни тайёрлашнинг аҳамиятини таъкидлайди¹¹. Унинг фикрича, аҳолининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлиги офатлар оқибатларини камайтиришда ҳал қилувчи омилдир, деса, Роберт Столкер ва Майкл Тирни каби тадқиқотчиларнинг қарашича, фавқулодда вазиятларни олдини олишда ахборот технологияларининг ролига урғу бериб, радар ва сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш орқали табиий офатларни олдиндан прогноз қилиш усуллари ривожлантирганлар¹².

Япониялик Кенжи Кимура ва Хироши Танака каби олимлар сейсмик фаол ҳудудларда zilзилаларнинг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш бўйича тадқиқотлар олиб бориб, zilзилага чидамли инфратузилмани яратиш ва аҳолини мунтазам равишда эвакуация машқларига жалб қилишни таклиф¹³ қиладилар.

Германиялик Ханс-Петер Вогт ва Клаус Шмидт каби олимлар сув тошқинларининг олдини олишда гидротехник иншоотларнинг самарадорлигини ўрганиб,

государства в сфере обеспечения безопасности в чрезвычайных ситуациях техногенного характера. – М., автор. д.к.ю.н. – 2009.; *Коряковцев Ю.Н.* Обеспечение пожарной безопасности. Санкт-Петербург, д.к.ю.н.-1999.-С.254.; *Руднев А.Н.* Правовое регулирование деятельности системы МЧС России в структуре механизма современного Российского государства по обеспечению безопасности населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера. – М., автор. д.к.ю.н. -2008.; *Стахов А.И.* Организационно-правовые основы обеспечения пожарной безопасности в России. М., д.к.ю.н. – 2001.-С.204.; *Шапошников С.В.* Управление системой мониторинга и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера. С.Петербург. д.к.т.н.-2003.; *Янгол Н.Г.* Свободы личности и деятельность органов внутренних дел в условиях чрезвычайных правовых режимов. С.Петербург, авор. д.д.ю.н. – 1999.

⁸ Шойгу С.Н., Пучков В.А. "Гражданская защита: теория и практика". Москва, 2010. – С.13.

⁹ Кузнецов А.В., Михеев И.В. "Техногенные риски и их предотвращение". Санкт-Петербург, 2012. – С. 52.

¹⁰ Искаков Е.М., Жаксалиев Б.Б. "Применение геоинформационных технологий в предотвращении природных катастроф". Алматы, 2015. – С.37.

¹¹ Drufis T. "Disaster Management and Preparedness". New York, 2008. –P. 17.

¹² Stalker R., Tierney M. "Advancements in Disaster Prediction through Information Technology". Washington, 2011. – P. 23.

¹³ Kimura K., Tanaka H. "Seismic Resilience in Urban Planning". Tokyo, 2013. – P. 48.

дарё бўйларидаги ҳудудларда экологик тоза тўғонлар ва сув омборларини қуришни¹⁴ таклиф қиладилар.

МДХ ва хорижий мамлакатлар олимларининг фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича қарашлари профилактик тадбирларнинг комплекс ёндашувига асосланади.

Бу ёндашувга аҳолини тайёрлаш, замонавий технологияларни жорий этиш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини таъминлаш киради. Шунингдек, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Россиялик олимлар фавқулодда вазиятларни олдини олишда давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги *ҳамкорлик* муҳимлигини таъкидлайдилар.

Улар фикрича, бу жараёнда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур:

комплекс ёндашув – профилактика тадбирларини амалга ошириш, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ва замонавий технологияларни жорий қилиш;

хавфларни баҳолаш ва таҳлил қилиш – А.В.Кузнецов ва И.В.Михеев фавқулодда вазиятларни олдини олиш учун хавфларни аниқлаш ва уларнинг оқибатларини баҳолаш бўйича алоҳида методикалар¹⁵ни ишлаб чиққанлар;

техноген хавфларни бартараф этиш – саноат корхоналарида хавфсизлик маданиятини шакллантириш ва ҳодисалар хавфини баҳолаш асосида хавфсизлик чораларини кўриш.

Қозоғистонлик олимлар Қозоғистон шароитида фавқулодда вазиятларни олдини олишда *геоинформацион технологиялардан* фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб чиқдилар. Улар *табiiй офатлар оқибатларини юмшатиш* бўйича замонавий усулларни таклиф этишди:

геоахборот тизимлари (ГАТ)дан фойдаланиш – фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш ва таҳлил қилиш учун географик маълумотлардан фойдаланиш орқали офатларни олдиндан башорат қилиш имконияти яратилади;

географик хавф-хатарлар харитасини тузиш – сел, сув тошқини ёки кўчки каби табиий офатларни олдиндан аниқлаш учун минтақа хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш зарур.

АҚШда фавқулодда вазиятларни олдини олишда *аҳолини тайёрлаш ва ахборот технологияларидан фойдаланишга* алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг фикрлари қуйидагича:

аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш – Thomas D. Schneid ўзининг “Disaster Management and Preparedness” асарида аҳолини эвакуация қилиш ва фавқулодда вазиятларда хатти-ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантиришни муҳим омил¹⁶ деб эътироф этади;

¹⁴ Vogt H.-P., Schmidt K. "Ecological Approaches to Flood Prevention". Berlin, 2014. – P.54.

¹⁵ Кузнецов А.В., Михеев И.В. "Техногенные риски и их предотвращение". Санкт-Петербург, 2012. – С. 52.

¹⁶ Thomas D. Schneid, Disaster Management and Preparedness / Occupational safety and health guide series. Lewis Publishers, 2001. ISBN // 042913794X, 9780429137945. –P. 247.

радар ва сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш – Роберт Столкер¹⁷ ва Майкл Тирни табиий офатларни башорат қилиш усуллари ривожлантириб, сунъий йўлдош маълумотларини таҳлил қилиш орқали офатларни олдиндан прогноз қилиш усуллари ишлаб чиққанлар.

2011 йил 11 март куни Япониянинг шимолий-шарқида жойлашган Тўхоку минтақасида юзага келган 9 баллик ер силкиниши ва ортидан келган баландлиги 15 метрдан ортиқ бўлган цунамилар нафақат табиий офат, балки бутун инсоният тарихидаги энг йирик техноген фожиалардан бири — Фукусима-1 атом электр станциясидаги аварияга сабаб бўлди¹⁸. Мазкур офат натижасида реакторларнинг совитиш тизими ишдан чиқиб, реактор ўзаги қизиб кетиши ва радиоактив моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалиши билан якунланди¹⁹. TEPCO компанияси бошқарувидаги станциядаги фаолият тўхтатилди, бир неча реакторларда портлаш юз берди ва Япония ҳукумати томонидан 20 км атрофдаги аҳоли тўлиқ эвакуация қилинди²⁰. Халқаро атом энергияси агентлиги (MAGATE) бу фожиани INES (International Nuclear Event Scale) халқаро шкаласи бўйича 7-босқич — энг юқори хавф даражаси сифатида баҳолади, бу 1986 йил Чернобил аварияси билан тенглаштирилди²¹.

Техноген фожа сабабларига қуйидагилар киради: биринчидан, табиий офатлар хавфини баҳолашдаги тизимли камчиликлар; иккинчидан, дизел генераторларининг цунамидан ҳимояланмаганлиги; учинчидан, TEPCO раҳбарияти томонидан фавқулодда вазиятларга реакция беришдаги кечикиш ва етарли ташкилотчилик этишмаслиги²².

Бундан ташқари, Японияда атом энергетикаси соҳасидаги жамоатчилик ишончи кескин пасайди, 2012 йилдан сўнг 54 та реакторнинг деярли барчаси фаолиятдан тўхтатилди²³.

Ушбу фожа энергетика хавфсизлиги соҳасида қуйидаги илмий ечимларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди: биринчидан, ҳар қандай реактор қурилишида сейсмик ва гидрологик хавфлар аниқлаштирилган ҳолда рақамли моделлаштириш тизимлари жорий этилиши лозим; иккинчидан, цунамига чидамли пассив ва автоном совитиш тизимлари, мустаҳкам энергия манбалари яратилиши шарт; учинчидан, аҳолини эвакуация қилиш ва радиация тарқалишини башорат қилишга қаратилган интеллектуал ахборот платформалари амалиётга жорий этилиши мақсадга мувофиқ²⁴.

¹⁷ <https://politicalscience.columbian.gwu.edu/robert-p-stoker>.

¹⁸ IAEA. The Fukushima Daiichi Accident: Report by the Director General. Vienna: International Atomic Energy Agency, 2015. – Vol. 1, p. 2–7.

¹⁹ U.S. Nuclear Regulatory Commission. Backgrounder on the Three Mile Island Accident. Updated April 2014.

²⁰ World Health Organization (WHO). Preliminary Dose Estimation from the Nuclear Accident after the 2011 Great East Japan Earthquake and Tsunami. WHO Press, 2012.

²¹ International Nuclear Event Scale (INES). IAEA Official Portal. <https://www.iaea.org/topics/emergency-preparedness-and-response/ines>.

²² OECD/NEA. The Fukushima Daiichi Nuclear Power Plant Accident: OECD/NEA Nuclear Safety Response and Lessons Learnt. NEA No. 7161, 2013.

²³ Kingston, J. Japan's Nuclear Crisis: The Routes to Fukushima. Foreign Affairs, Vol. 90, No. 4 (2011), pp. 48–63.

²⁴ National Academy of Sciences (USA). Lessons Learned from the Fukushima Nuclear Accident for Improving Safety of U.S. Nuclear Plants. Washington, DC: The National Academies Press, 2014.

Шунингдек, атом энергетикасида шаффофлик, халқаро маълумот алмашинуви ва жамоатчиликка сўзсиз ахборот бериш мезонлари мустаҳкамланиши зарур²⁵.

Японияда фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича *зилзилаларга тайёргарлик* кўришга катта эътибор берилади. Зилзилага чидамли инфратузилмалар яратиш асосий вазифалардан биридир:

сейсмик хавфни баҳолаш – зилзила юз бериши эҳтимолига асосан шаҳар инфратузилмасини мустаҳкамлаш;

зилзилага чидамли инфратузилма – кўп қаватли уйлар ва кўприклар зилзилага чидамли бўлиши керак;

эвакуация машғулотлари – ҳар йили мунтазам равишда аҳолини эвакуация қилиш машғулотлари ўтказилади.

Германия олимлари *сув тошқинларининг олдини олиш* ва уларнинг оқибатларини юмшатиш бўйича жиддий тадқиқотлар олиб боришган.

гидротехник иншоотлар қуриш – экологик тоза сув омборлари ва тўғонлар қуриш орқали дарёларда сув тошқинларини назорат қилиш имконияти яратилади;

дарё соҳилларини мустаҳкамлаш – сув тошқинларига қарши курашишда соҳилларни мустаҳкамлаш технологиялари қўлланилади.

Олимларнинг қарашлари ва ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили асосида **“фавқулодда вазиятларни олдини олиш”** тушунчасининг илмий асосланган муаллифлик таърифи қуйидагича шакллантирилди: *“Фавқулодда вазиятларни олдини олиш* – бу табиий, техноген, экологик ва ижтимоий-сиёсий сабаблар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, прогноз қилиш ва зарарни камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир. Бу жараёнда давлат бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, аҳоли ва замонавий технологиялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ахборот алмашиш, эвакуацияни режалаштириш ва профилактика ишларини амалга ошириш назарда тутилади”.

Мазкур таърифни қуйидаги омилларга кўра шарҳлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Буларга:

биринчидан, комплекс ёндашув – ушбу таърифда профилактика, прогнозлаштириш, зарарни камайтириш ва эвакуация чора-тадбирлари акс этган;

иккинчидан, таърифнинг кенг қамровлиги – табиий, техноген, экологик ва ижтимоий-сиёсий фавқулодда вазиятларнинг барчасини қамраб олади;

учинчидан, технологик компонент – сунъий йўлдош маълумотлари, радар маълумотлари ва геоинформацион технологиялардан фойдаланиш муҳимлиги кўрсатилган;

тўртинчидан, ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш – давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида таъкидланган;

бешинчидан, инсон ҳаёти ва моддий манфаатларни ҳимоя қилиш – бу жараёнда аҳоли хавфсизлиги, моддий мулк ва табиий муҳит ҳимояси устувор вазифа сифатида белгиланган.

²⁵ Perrow, C. Normal Accidents: Living with High-Risk Technologies. Princeton University Press, 2011.

“Фавқулодда вазиятларни олдини олиш” тушунчасининг муаллифлик таърифи биз томонимиздан халқаро тажриба ва илмий қарашлар асосида шакллантирилди.

Бу таъриф профилактика, прогнозлаштириш, ахборот алмашиш, хавф-хатарларни камайтириш ва аҳолини эвакуация қилиш каби замонавий ёндашувларни қамраб олади.

Ушбу таъриф амалдаги қонунчилик ва халқаро стандартларга мос келади.

Юқорида баён этилган илмий таҳлиллардан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишда самарали ҳамкорлик тизимини яратиш давлат хавфсизлигини таъминлаш, инсонлар ҳаётини асраш ва мол-мулкни муҳофаза қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, техноген инқирозлар ва табиий офатлар сонининг ортиб бориши хавфни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шундай шароитда, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда миллий ва халқаро ҳамкорликнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу ўринда, бугунги кунда ҳамкорликнинг назарий асослари нималардан иборат?, ҳамкорликнинг таърифи ва мазмуни ўзида нималарни акс эттирди?, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига нималар киради?, ҳамкорликнинг таснифи қандай?, иштирокчилар таркибига кўра таснифи қандай?, амал қилиш ҳудуди бўйича таснифи қандай?, ҳамкорликни вақт доираси бўйича таснифи қандай?, ҳамкорликнинг ҳуқуқий мақомига кўра таснифи қандай ёритилади? ва бошқа шу каби ўринли савол юзага келади.

Бизнингча:

1) *ҳамкорликнинг таърифи ва мазмуни кўра*, ҳамкорлик — бу фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш ёки уларнинг оқибатларини камайтириш учун бир нечта ташкилот, давлат органлари ва халқаро ташкилотлар ўртасида мувофиқлаштирилган фаолият ҳисобланади;

2) *ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари кўра*, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилик, халқаро шартномалар ва нормаларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда вазиятлар тўғрисида”ги қонуни ва “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги халқаро шартномалар бу соҳада ҳуқуқий базани ташкил этади;

3) *ҳамкорликнинг таснифига кўра*, ҳамкорлик турли мезонлар бўйича таснифланади, жумладан: мақсадига кўра, иштирокчилар таркибига кўра, амал қилиш ҳудудига кўра, вақт доирасига кўра шунингдек, ҳуқуқий мақомига кўрадир;

4) *мақсадига кўра таснифга*, фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича ҳамкорлик — бу турдаги ҳамкорлик хавфни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда асосий эътибор табиий ва техноген хавфларни олдиндан прогноз қилишга қаратилади;

5) *фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик* — фавқулодда вазият содир бўлганидан кейин унинг оқибатларини бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилишни ўз ичига олади. Бунда кутқарув ишларини ташкил этиш, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш каби фаолиятлар амалга оширилади;

6) *иштирокчилари таркибига кўра таснифга эса*, давлатлараро ҳамкорлик — бир неча давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномаларга асосланган ҳамкорлик.

Бу турдаги ҳамкорлик БМТ, ЕХХТ, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой ташкилотлари фаолиятида намоён бўлади;

7) *давлат ичидаги ҳамкорликга* — давлат органлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни ўз ичига олади;

8) *амал қилиш ҳудудига кўра таснифга кўра*, маҳаллий даражадаги ҳамкорлик — ҳудудий фавқулодда вазиятлар бошқармалари, маҳаллий ҳокимият органлари, давлат хизматлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликдир;

9) *миллий даражадаги ҳамкорлик* — республика миқёсидаги барча манфаатдор субъектлар иштирокидаги ҳамкорлик, унинг асосий мақсади миллий хавфсизликни таъминлашдир;

10) *халқаро даражадаги ҳамкорлик* — БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда амалга ошириладиган ҳамкорлик бўлиб, трансчегаравий сув хавфсизлиги, иқлим ўзгариши ва бошқа глобал масалалар доирасида ҳамкорликдир;

11) вақт доирасига кўра таснифга кўра:

➤ *доимий ҳамкорлик* — мунтазам равишда узлуксиз амалга ошириладиган ҳамкорлик;

➤ *мавсумий ҳамкорлик* — маълум бир фасл ёки ҳавфли даврларда амалга ошириладиган ҳамкорлик (масалан, сел ёки сув тошқини мавсумида);

12) *фавқулодда вазиятга жавоб бериш ҳамкорлигига кўра* — фавқулодда вазият содир бўлган пайтда фавқулодда тезкор чораларни кўриш мақсадида амалга ошириладиган ҳамкорлик;

13) ҳуқуқий мақомига кўра тасниф кўра:

➤ *ҳуқуқий шартномаларга асосланган ҳамкорлик* — халқаро ёки миллий шартномалар асосида ўрнатилган ҳамкорлик;

➤ *ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган ихтиёрий ҳамкорлик* — ихтиёрий равишда, шартномаларсиз амалга ошириладиган ҳамкорлик (масалан, ННТлар билан ҳамкорлик)²⁶.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш жараёнида шаклланадиган ҳамкорликнинг таснифи ва унинг ўзига хос хусусиятларини янада такомиллаштиришда илгари сурилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”²⁷ ги 171-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида ўтказилган “Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш: муаммо ва ечимлар”²⁸ мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманига келиб тушган илмий тезисларда илгари сурилган илмий таклифлар асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилмоқда. Буларга:

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисидаги низом” // https://lex.uz/uz/docs/6448083?utm_source=.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси // https://lex.uz/ru/docs/-/6448083?utm_source=.

²⁸ https://xs.uz/uzkr/post/favqulodda-vaziyatlarni-oldini-olish-va-ularni-bartaraf-etish-muam-mo-va-echimlar?utm_source=

биринчидан, ахборот алмашинувини яхшилаш, бунда ҳамкор ташкилотлар ўртасида тезкор ва аниқ ахборот алмашинуви фавқулодда вазиятларга самарали жавоб беришнинг асосидир. Бунинг учун ягона ахборот платформаларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

иккинчидан, ҳамкорликни мувофиқлаштириш, бунда турли ташкилотлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун ягона раҳбарлик марказларини ташкил этиш зарур. Бу фавқулодда вазиятларда ҳаракатларнинг уйғунлигини таъминлаш;

учинчидан, таълим ва тренинглар ўтказиш, бунда ҳамкор ташкилотлар ходимлари учун мунтазам равишда қўшма машғулотлар ва тренинглар ўтказиш орқали уларнинг малакасини ошириш ва ҳамкорлик қўникмаларини ривожлантириш;

тўртинчидан, технологик инновацияларни жорий этиш, бунда фавқулодда вазиятларда ахборот технологиялари, сунъий интеллект ва бошқа замонавий воситалардан фойдаланиш орқали ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;

бешинчидан, ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бунда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун халқаро ва миллий даражада ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, уларни замонавий талабларга мослаштириш.

Юқорида илгари сурилган фикрлардан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишда ҳамкорлик самарадорлиги, биринчи навбатда, ҳамкорлик шакллариининг аниқ таснифи, ваколат ва жавобгарликнинг ҳуқуқий чегараланганлиги, ҳамда ягона бошқарув ва коммуникация занжирига боғлиқ. Амалий барқарорликни таъминлаш учун рискка асосланган режалаштириш, стандарт операцион тартиблар (SOP) ва қўшма ўқув-машқлар тизимини кучайтириш, ресурслар ва логистикани марказлаштирилган тарзда бошқариш, ишончли маълумотлар алмашинуви ва ерта огоҳлантириш инфратузилмасини ривожлантириш зарур. Шу билан бирга, KPI орқали натижадорликни баҳолаш, рақамли платформаларни жорий этиш ва аҳоли билан очик коммуникация ҳамкорликнинг институционал “пойдевори”ни мустаҳкамлайди. Натижада, таснифланган ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган ҳамкорлик механизми фавқулодда вазиятлар хавфини камайитириш ва оқибатларни тезкор бартараф этишнинг асосий шarti сифатида намоён бўлади.